

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи  
иқтисодий фаолият миллий банки”

Акциядорлик жамиятининг  
25.12.2019 й. 1-сонли таъсисчилар  
йиғилиш баённомаси билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ  
БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРОИЯ ОРГАНИ  
(БОШҚАРУВИ) ТҮҒРИСИДА НИЗОМ**

**Тошкент - 2019 йил**

# **“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВИ) ТҮҒРИСИДА НИЗОМ**

## **I. Умумий қодалар**

**1.** Мазкур Низом “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – “Банк”) Бошқарувининг мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, аъзоларини тайинлаш тартибини, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

**2.** Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядоларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Банк уставига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**3.** Банк Бошқаруви Банкнинг коллегиал ижроия органи бўлиб ҳисобланади ҳамда Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласи ва унинг фаолияти натижалари учун жавобгардир.

**4.** Банк Бошқаруви Банкнинг акциядорлар умумий йигилиши ва Банк Кузатув Кенгашига ҳисобдордир.

**5.** Банк Бошқарувига Бошқарув Раиси раҳбарлик қиласи. Бошқарув аъзолари таркибига Раисдан ташқари лавозим бўйича Бошқарув Раиси ўринbosарлари, Банкнинг бош бухгалтери, шунингдек Бош Банкнинг асосий таркибий бўлинма (департамент ва мустақил бошқарма)лари бошлиqlари киради.

## **II. Банк Бошқарувини ташкил қилиш тартиби**

**6.** Банк Кузатув Кенгаши Банк Бошқарувининг миқдорий таркибини, бир киши бошқарув вазифаларини ижро эта олишининг энг юқори имкон даражаси, бошқарув учун харажатларни қисқартириш тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда белгилайди. Банк бошқаруви 11 (ўн бир) аъзодан иборат бўлиб, акциядорлар умумий йигилиши ҳамда Банк Кузатув Кузатув Кенгашининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалардан ташқари, барча масалаларни ечиш ваколатига эга.

**7.** Банк Бошқарувининг миқдорий ва шахсий таркибини тасдиқлаш бўйича қарорлар Банк Кузатув Кенгаши умумий таркибининг оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

**8.** Бошқарув аъзоларининг аввалги таркиби Банк Кузатув Кенгаши томонидан Бошқарувнинг янги таркибига чекланмаган маротаба тайинланишлари мумкин.

**9.** Бошқарув аъзоларининг тайинланиши:

Бошқарув Раиси ва унинг ўринbosарлари қонунчиликда белгиланган тартибда Банк Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади. Банк бошқарувининг бошқа аъзолари Банкнинг таркибий бўлинма раҳбарлари ёки малакали мутахассислари таркибидан Бошқарув Раисининг тавсиясига кўра Банк Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади.

**10.** Бошқарув аъзолигига номзодларни Банк Кузатув Кенгаши томонидан кўриб

чикиш якка тартибда номзод иштирокида амалга оширилади. Банк Бошқаруви аъзолигига номзод ўз таржима ҳолидаги Банк Бошқарувининг аъзоси лавозимини эгаллашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган маълумотларни Банк Кузатув Кенгаши аъзоларига ошкор қилиши шарт.

**11.** Банк Бошқаруви аъзолигига қуйидаги шахслар тайинланмайди:

олий маълумоти бўлмаган;

естарли даражада банк қонунчилиги билимларига эга бўлмаган;

аввал қасддан содир этган жиноятлари учун судланган;

аввал банкротликка учраган юридик шахсга раҳбар бўлган бўлса;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

**12.** Бошқарув Раиси билан Банк номидан меҳнат шартномасини Банк Кузатув Кенгаши Раиси ёки Кенгаш ваколат берган шахс имзолайди. Бошқарув Раиси ўринbosарлари ва Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини Банк номидан Бошқарув Раиси имзолайди.

**13.** Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзорлари билан меҳнат шартномаси 1 (бир) йил муддатга тузилади. Меҳнат шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ва (кайта тузиш) ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинади.

**14.** Бошқарув аъзолари ўз лавозим йўриқномаларида белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кузатув Кенгаши қарорлари ва Бошқарув Раисининг кўрсатмалари доирасида иш тутади.

**15.** Бошқарув Раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантириш Банк фаолияти самараадорлигига қараб амалга оширилади.

**16.** Бошқарув аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк Кузатув Кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.

**17.** Банк Кузатув Кенгаши Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини, агар улар Банк Уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) хуқуқига эга.

**18.** Бошқарув аъзоси Устав, шунингдек меҳнат шартномаси шартларини бузганлиги учун бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолда эгаллаб турган лавозимидан чақириб олиниши мумкин. Банк Бошқаруви аъзосини чақириб олиш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қарор кўпчилик овоз билан Банк Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

**19.** Банк Бошқарувининг Раиси Бошқарув таркибида қўшимча номзодлар киритиш ёки Банк фаолиятидаги ўзгаришлар муносабати билан унинг микдорий таркибини қисқартириш ва бошқа ҳолатлар юзасидан ҳамда Бошқарув таркибидан айrim аъзоларни чиқариш бўйича таклифлар киритиш хуқуқига эга.

**20.** Банк Бошқарувининг аъзосини вазифасидан озод қилиш Банк Кузатув Кенгаши томонидан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ихтиёрий равища ўз ваколатини топширганда;

Банк Бошқарувининг аъзоси мазкур Низомда баён қилинган ўз ваколат ва мажбуриятларини бажармаганда;

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг тегишли кўрсатмаси олинганда;

қасддан содир этилган ғаразли жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида маълумот олинганда;

қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

### **III.        Банк Бошқарувининг ваколатлари**

**21. Банк Бошқарувининг ваколатларига Банк жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Банк Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно. Бошқарув Банк устави асосида фаолият олиб боради ҳамда Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кузатув Кенгashi томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этади.**

**22. Банк Бошқаруви қўйидаги масалалар юзасидан мустақил равища қарор қабул қилишга ваколатли:**

Банкнинг низом, тартиб, қоида ва йўриқнома шаклидаги ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш;

Бош банкнинг таркибий тузилмалари (департамент ва мустақил бошқармалар) тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш;

янги банк хизмати турларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини банк тизимида кўриб чиқилиши якунлари юзасидан ҳисботларни тасдиқлаш;

Банк Кузатув Кенгashi томонидан рухсат берилган масалалар юзасидан ходимларни рағбатлантиришнинг аниқ механизм ва тартибларини амалиётга жорий қилиш;

ўз ваколати доирасида кредитлаш операцияларини амалга ошириш, шунингдек кредит линияларини жалб қилиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий хужжатларига асосан, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Банк Кузатув Кенгashi томонидан Бошқарувга бевосита юклатилган вазифалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Банк ходимларини йил якунлари бўйича мукофотлашни белгилangan фонд доирасида амалга ошириш.

**23. Банк Бошқарув қўйидаги масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиб, уларни Банк Кузатув Кенгashiга ва (ёки) Акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш ёки келишиб олиш учун киритади:**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлари ва Банкнинг кредит сиёсатида белгилangan ваколатлар доирасида Банк Кузатув Кенгashi

ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган кредитлаш, актив ва пассивларни бошқариш, инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ битимларни имзолаш;

Банкнинг бир йилгача муддатга бўлган кредит сиёсатини;

Устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш;

Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар бериш;

эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

Бош банк ва Банк филиаллар биносини сотиш, капитал ва жорий таъмирлаш масалалари;

Банкнинг йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари, фойда ва заарлар ҳақида ҳисоботлар, фойдани тақсимлаш ва заарни қоплаш тартиби;

акциялар бўйича йиллик ва оралиқ дивидендларнинг ҳажми ва уларни тўлаш;

Банкнинг жорий фаолияти якупнлари юзасидан тайёрланадиган чораклик, олти ойлик ва йил якупнлари натижалари ҳақидаги ҳисоботлар;

ўз акцияларини сотиб олиш, акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни ҳарид қилишда акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаслик ҳақида қарор қабул қилиш бўйича уларни бўлиш ва жамлаш (уларни очик, имзолаш воситасида жойлаштириш ҳолларида), шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақида;

Банкнинг облигациялари ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш;

Банк мулкининг бозор қийматини аниқлаш (шу жумладан мулкни гаровга беришда);

Банкнинг захира ва бошқа фонdlарини ишлатиш;

Мижозлар ва бошқа банклар зааридан қайтарилишига умид бўлмаган қарзларни Банк баланси ҳисобидан чиқариш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши, Банк Кузатув Кенгаши ва Бошқаруви ҳақидаги Низомларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш лойиҳаси;

Банк Ички аудит Департаменти ҳақидаги Низом лойиҳаси;

кўчмас мулкларни баҳолаш масалалари;

Банкнинг Кўмиталари тўғрисидаги низомлар лойиҳалари;

филиалларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш, Банк ваколатхоналарини очиш, филиаллар ҳақида низомлар лойиҳаси;

шўъба банклар ва ўзига тобе хўжалик жамиятларни ташкил этиш.

Банкнинг йиллик бизнес-режаси лойиҳасини.

Банк Кузатув Кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган барча масалалар, одатда, дастлабки тарзда Банк Бошқаруви томонидан кўриб чиқилиши ва кейинчалик тасдиқлаш учун тегишлилиги бўйича Банк Кузатув Кенгашига ёки Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритилиши керак, Банк

Кузатув Кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

#### **IV.        Банк Бошқарувининг мажбуриятлари**

**24.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари хамда Банк Устави ва ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;

Банк Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинган Банкнинг барча сиёсатларини амалиётга татдик қилинишини ташкил қилиш;

Банк тизимида кредитлаш билан боғлиқ операцияларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари, Банкнинг Кредит сиёсати ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиш;

Банк Бошқарувининг фаолияти Акциядорларнинг умумий йиғилишларига тайёргарлик қўриш ва ўтказиш жараёнида, Устав капиталини ўзгартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида, қўшимча қимматли қофозлар чиқаришида, дивиденд сиёсати бўйича, акциядорлар билан ўзаро алоқа жараёнида акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаши зарур.

Банк Бошқаруви қатъий тартибда Банк Кузатув Кенгаши, Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳал этиш учун киритилган масалаларни олдиндан қўриб чиқади ва улар бўйича тегишли материаллар ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди. Банк Кузатув Кенгаши мажлисида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки вакил қилинган Банк Бошқаруви аъзоси Банк Бошқарувининг нуқтаи назари ҳақида маъруза қилади.

**25.** Банкнинг сармоясини сақлаш ва уни банк операцияларининг миқёси ва таваккал даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида, Банк Бошқаруви томонидан Банкни сармоялаш бўйича куйидаги чораларни кўради:

Банкнинг шўъба ва ўзига қарашли жамиятларни ташкил этиш юзасидан таклифларни қўриб чиқиши учун Банк Кузатув Кенгаши киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳажмдаги эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни ташкил этиш;

банк таваккалчилик даражасини таъминлаш;

Банк акцияларини белгиланган тартибда жойлаштириш;

Банкнинг умумий захирасини етарли даражада сақлаб туриш;

Банкнинг бизнес-режаси амалга оширилишини таъминлаш ва ҳар чоракда Банк Кузатув Кенгашига унинг бажарилиши ҳақида ҳисобот бериш.

#### **V.        Банк Бошқарувининг ҳуқуқлари:**

**26.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияда кўзда тутилган операцияларни амалга ошириш;

Банк мулкини ва унинг сармоясини бошқариш;

Бош банкнинг таркибий бўлинмалари, филиаллар, бўлим ва ваколатхоналарнинг таркибий бўлинмаларининг фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

Бош банкнинг таркибий бўлинмалари хамда филиаллар, бўлимлар ва ваколатхоналар ходимларининг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари устидан акциядорлар ва мижозларнинг шикоятлари ва таклифларини кўриб чиқиш;

Банк ва унинг бўлим/филиаллари фаолият йўналишлари бўйича молия-тижорат фаолияти натижаларини кўриб чиқиш;

депозитларни қабул қилиш, активларни жойлаштириш, кредитлаш, ҳисобкитоблар, пул муомаласи, касса хизматини кўрсатиш, ташқи иқтисодий фаолият, банклараро шартномаларни имзолаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

банк хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

аудиторлик текширувлари, тафтишлар хамда Банкнинг таркибий бўлинмалари ҳисботларини кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

Банк ва мижозларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда активлар ва пассивлар бўйича операцияларнинг фоиз ставкаларини тартибга солиш;

мажбуриятлар, кредит хизматини кўрсатиш, пул ва тўлов ҳужжатлари ва хат-ҳужжатларни расмийлаштиришнинг умумий тартибини белгилаш;

Бош Банкнинг таркибий бўлинмалари Низомлари хамда бўлим/филиал таркибий бўлинмаларининг Намунавий низомларни тасдиқлаш;

Банк томонидан инвестиция киритилган шўъба корхоналарда, акциядорлик жамиятларида, қўшма корхона ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда Банкнинг ваколатини амалга ошириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

ваколатхоналар, бўлимлар, бошқармалар, бош оғис бўлинмалари ва Банк филиалларининг раҳбарларини лавозимига тайинлаш, ходимларни танлаш, тайёрлаш ва фойдаланиш, мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тартибини белгилаш;

филиалларнинг ташкилий тузилмасини белгилаш;

ҳомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш масаласини кўриб чиқиш;

Акциядорлар умумий йигилиши ва Банк Кузатув Кенгашининг ваколатига кирмайдиган Банк фаолиятига доир бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш.

**27.** Банк Бошқаруви қўйидаги битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ўрнатилган ваколат доирасида мулкни бевосита ёки билвосита бегоналаштириш билан боғлиқ битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимларни тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Уставига мувофиқ аффилланган шахслар билан битим тузиш масалаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва Банк Кузатув Кенгашига тасдиқлаш учун киритиши.

Бундай битимларни тузиш тўғрисида Банк қарорларини қабул қилиш бўйича

Банк Кузатув Кенгашига киритилган тавсиялар Банк Бошқарувининг аффилланмаган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бундай тавсияларсиз битим тузиш тўғрисидаги таклифлар Банк Кузатув Кенгашига кўриб чиқиш учун киритилмайди.

**28. Бошқарув қўйидаги хужжатларни сақлаши зарур:**

Банк устави, уставга киритилган белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчалар, давлат томонидан рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома, банк операцияларини амалга оширишга лицензиялар;

Банк балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжатлар;

Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кузатув Кенгаши ва Бошқаруви томонидан тасдиқланган хужжатлар;

филиал ва ваколатхона тўғрисидаги Низом;

йиллик молиявий ҳисобот;

акциялар эмиссияси рисоласи;

бухгалтерия ҳисоби хужжатлари;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисобот хужжатлари;

Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кузатув Кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Бошқарув мажлисларининг баённомалари;

акциялар сони ва тури кўрсатилган ҳолда Банкка алоқадор (аффилланган) шахсларнинг рўйхатлари;

Тафтиш комиссияси, аудитор, давлат назоратининг давлатга тегишли органлари хулосаси;

қонунчиликда, уставда, Банк бошқаруви органларининг қарорларида қўзда тутилган бошқа хужжатлар.

## **VI. Банк Бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**29. Бошқарув аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

Бошқарув мажлисида шахсан иштирок этиш, муҳокама этилаётган масала бўйича регламентда ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш;

Муайян давр мобайнida Банк тузилмалари фаолиятининг натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишонарли ахборотлар олиш;

Банк Бошқаруви ваколатига тегишли масалалар бўйича Бошқарув йиғилишида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

Банк Бошқарувидаги фаолияти ва зиммасига юклатилган вазифаларни бажаргани учун меҳнат шартномасига мувофиқ муайян мукофот олиш;

**30. Банк Бошқаруви аъзолари қўйидаги мажбуриятларга эга:**

Банк ва унинг акциядорлари манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш;

Банк обрўси, унинг ривожланиши ва молиявий барқарорлигининг

мустаҳкамланишини оширишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

ўз хизмат мавқеидан вижданан, ҳамда Банкнинг уставда ёзилган вазифаларини яхши бажариш йўлида фойдаланиш;

Банк Бошқаруви, Кузатув Кенгаши, Тафтиш комиссияси ва аудитори эътиборига қуйидаги маълумотларни етказиши:

а) мустақил ёки ўзига қарашли шахс (шахслар) орқали овоз берувчи акция (улуш, пай)ларнинг 10% ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахслар тўғрисида;

б) бошқарув органларида ўзлари раҳбарлик лавозимларни эгаллаб турган юридик шахслар тўғрисида;

в) Банкнинг аффилланган шахси билан тузилиши тахмин қилинадиган ёки уларга маълум битимларда аффилланган шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисида.

Банк билан битим масаласи ҳал қилинаётганда бу битимда ўзининг аффилланган шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлса, Банк Бошқаруви мажлисида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур масалани ҳал этиш ва овоз беришда қатнашмаслик.

**31.** Бошқарув Раиси Банк Бошқарувининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича мажбурият ва ваколатларни Бошқарув аъзолари ўртасида тақсимлайди.

**32.** Банк Бошқаруви аъзоларини ўз вазифаларини ижро этишлари билан боғлиқ ҳаражатларни компенсациялаш Банк Кузатув Кенгаши томонидан белгиланади ва меҳнат шартномасида кўрсатиб ўтилади.

## **VII.        Банк Бошқаруви Раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**33.** Банк Бошқаруви Раиси Банкнинг олий мансабдор шахси ҳисобланиб, қонунчилик, Банк Устави, мазкур Низом ва Банк Кузатув Кенгашининг унга берган ваколатларига мувофиқ, Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қиласди. Банк Бошқарув Раиси Банк Кузатув Кенгашининг фаолиятида маслаҳат овози билан иштирок этади.

**34.** Банк Бошқарувининг Раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банк номидан ҳужжатларни имзолаш;

Банк номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, ҳисоб варақларни очиш, битимларни амалга ошириш, шартномаларни имзолаш, ишончномалар бериш, Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, жамоат органлари, банклар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан амалга ошириладиган муносабатларда Банк номидан иш кўриш;

Банкнинг барча ходимлари бажариши зарур бўлган Банк фаолиятига оид масалалар бўйича буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

Банк Бошқаруви Раисининг ўринбосари, Бошқарув аъзоси, бош бухгалтер, Банк филиалининг раҳбари билан Банк номидан меҳнат шартномасини имзолайди;

ўз ўринбосарлари ўртасида вазифа ва ваколатларни тақсимлаш;

ўз ваколатига киравчи айрим масалаларни ҳал ваколатини этишни ўзининг ўринбосарларига, Бошқарув аъзоларига, таркибий бўлинмалар раҳбарларига топшириш;

Банкнинг штат жадвалини тасдиқлаш, ходимларнинг лавозим маошларини белгилаш;

Банк ходимларининг лавозим маошларига рағбатлантириш тўловлари ва устамалар белгилаш;

ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, улар билан меҳнат шартномаларини имзолаш;

Банк ходимларини рағбатлантириш масалаларини ҳал этиш, интизомий жазо чораларини қўллаш.

### **35. Банк Бошқаруви Раисининг мажбуриятлари:**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга риоя қилган ҳолда Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кузатув Кенгаши ва Бошқаруви қарорларининг ижросини ташкил этиш;

Банк Кузатув Кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига Банк фаолияти тўғрисида ҳисоботларни тақдим этиш;

Банк томонидан қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Банкни ривожланиши учун зарур бўлган миқдорда фойда олиш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва акциялар бўйича дивидендлар тўлаш;

Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш, уларнинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

Банк фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг етарли ва ишончли ҳолатини Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ва тегишли органларга йиллик ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботларни ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш;

акциядорларга ва оммавий ахборот воситаларига эълон қилишлари учун Банк фаолияти хақидаги молия ҳисботларини тақдим этиш;

Банк Кузатув Кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки аудитор талабига биноан Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиш;

давлат статистика ҳисботини тегишли органларга тўла ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

Банк ва мижозларининг банк ёки тијорат сирини ўзида мужассамлаштирган ахборотларини Банк ходимлари томонидан сир сақланишини таъминлаш;

Банкни малакали ходимлар билан таъминлаш, уларнинг билимлари,

малакалари, тажриба ва қобилияларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш; меҳнат интизоминининг сақланишини таъминлаш;

Банк ходимларининг ижтимоий кафолати ва меҳнатни муҳофаза этиш талабларига риоя қилиш;

Банк Бошқаруви аъзоларининг жамоа музокараларида иштирок этишини таъминлаш. Жамоа шартномаси ва битимларини тузишда иш берувчи сифатида иштирок этиш. Жамоа шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш;

Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кузатув Кенгашига Банк фаолияти тўғрисида белгиланган муддатларда ҳисобот бериш;

акциядорларнинг амалдаги қонунчиликда қўзда тутилган тартибда маълумотларни олишлари, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ҳуқуқларига риоя этиш.

**36.** Бошқарув Раиси Банкка юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукуматнинг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари талабларининг, Банкнинг шартномалар бўйича қабул қилган мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан шахсан жавобгардир.

Банк Бошқаруви Раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан тузилган меҳнат шартномасида белгилаб қуйилади.

**37.** Банк Бошқарувининг Раиси ўз жойида бўлмаган ҳолларда, унинг биринчи ўринбосари, у ҳам бўлмаган тақдирда, Раис ўринбосарларидан бири Бошқарув Раисининг буйруғи билан Банк Бошқаруви Раиси вазифасини вақтинча бажаради.

### **VIII.        Банк Бошқарувининг Регламенти**

**38.** Банк Бошқаруви мажлислари иш режасига мувофиқ ўтказилади. Бошқарув мажлислари Бошқарув Раиси ёки Бошқарувнинг камида З аъзосининг талабига биноан чақирилади. Зарурият туғилганда, Бошқарув Раиси навбатдан ташқари мажлис чақириши мумкин.

**39.** Бошварув мажлислармни Бошқарув Раиси, у бўлмаган тақдирда унинг ўринбосарларидан бири бошқаради.

Бошқарув мажлислари, одатда, ёпиқ ҳолда ўтказилади. Мажлисда иштирок этувчиларни Бошқарув Раиси белгилайди.

Бошқарув унинг мажлисида Бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда қарор қабул қилишга хақли. Қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлганда, Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Бошқарув аъзоси қабул қилинган қарордан норози бўлса, бу ҳақда Банк Кузатув Кенгашига маълум қилишга ҳақли.

**40.** Бошқарув фаолиятининг режали бўлишини таъминлаш мақсадида Банк

таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари Бошқарув мажлисида кўриб чиқилиши талафутидан муддатидан аввал белгилашлари ҳамда Банк Бошваруви муҳокамасига киритиш учун таклифларни Банк Ижро аппаратига тақдим этишлари шарт. Таклифларда масаланинг моҳияти, материални тайёрлаш учун жавобгар шахс, кўриб чиқиши муддати кўрсатилиши лозим.

**41.** Бошқарув мажлисининг кун тартиби Банк Ижро аппарати томонидан тузилади. Масалани кун тартибига киритиш учун қуидагилар асос бўлади:

- Бошқарувнинг иш режаси;
- Бошқарув Раисининг топшириқлари;
- Бошқарув аъзоларининг ташаббускор таклифлари;
- Тафтиш комиссиясининг таклифлари;
- Ички аудит департаменти директорининг таклифлари;
- Банк ташқи аудиторининг таклифлари.

Банк Бошқарувининг навбатдаги мажлиси кун тартибига ўзгартириш ёки кўшимчалар киритиш, режадаги масалаларни кўриб чиқиши муддатларининг ўзгартирилиши ёки уларнинг кўриб чиқилишини бекор қилишга фақат Бошқарув Раисининг ёзма рухсати билан йўл қўйилади.

**42.** Банк Бошқаруви томонидан кўриб чиқилиши учун Банк Бошқаруви муҳокамасига тақдим этилаётган масалани тайёрлашга масъул мансабдор шахс қарор лойиҳаси, маълумотнома ва унга зарур бошқа материалларни камидан 5 кунгача муддатда Банк Ижро аппаратига топшириши шарт. Банк Бошқарув мажлиси муҳокамасига тақдим этилаётган таклифлар иқтисодий ва хуқукий асосга эга ва тегишли хизматлар билан келишилган бўлиши керак.

**43.** Бошқарув мажлиси баённомасида кўрилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ёзилади. Кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари кўрсатилади. Мажлис ўтказилган жой ва сана, Бошқарув аъзоларидан ким раислик қилганлиги ва иштирок этганлиги, муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиққанлар албатта кўрсатилади, мажлисга таклиф этилганлар санаб ўтилади. Банк ёки тижорат сири ҳисобланган масалалар бўйича тегишли ёзувлар киритилади.

Баённомага мажлисга Раислик қилувчи, Бошқарув аъзолари ва Бошқарув котиби имзо чекадилар. Баённомада ёзилган қарордан норози бўлган Бошқарув аъзоси унга ўзининг алоҳида фикрини илова қилиши мумкин.

**44.** Бошқарув қарорлари лойиҳаларини мажлисида қилинган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қайта ишлаш учун раислик қилувчи масалани кўриб чиқишига киритган тегишли тузилмаларга топшириқлар беради ва уларни қайта ишлаш муддатларини белгилайди. Агар мазкур муддатлар маҳсус белгиланмаган тақдирда, лойиҳаларни қайта ишлаш мажлисдан кейинги икки кун давомида амалга оширилади. Бошқарув аъзоларида қарор лойиҳаси бўйича турли қарашлар ва мулоҳазалар бўлмаса, у муҳокама этилмасдан қабул қилиниши мумкин.

**45.** Банк Бошқарув мажлисларининг баённомаларини Бошқарув котиби олиб боради. Баённома мажлис ўтгач, 5 иш кунидан кечикмай тузилади.

Банк Бошқаруви мажлислари баённомаларининг асл нусхаси доимий сақланадиган ҳужжат ҳисобланади ва у расмийлаштирилгач, архивга топширилгунга қадар Банк Ижро Аппаратида сақланади.

**46.** Бошқарув мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга масъул бўлган Банкнинг Бош офиси таркибий бўлинмаси Банк Бошқаруви баённомасининг ижрочиси этиб белгиланади (агар қарорнинг ўзида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса). Қарорнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Банк Бошқаруви Раисининг тегишли ўринbosарларига ахборот бериб турилади.

Зарур ҳолларда Бошқарув қарорини ижро этиш муддати Банк Бошқаруви Раисининг рухсати билан белгиланган муддат тугашига камида 3 кун қолганда узайтирилиши мумкин.

**47.** Банк Бошқаруви қарорларининг бажарилиш қисмida ижро интизомининг ҳолати тўғрисида ахборот йиғиш ва умумлаштириш Бошқарув котибига юклатилади. Қарорда белгиланган топшириқларни ижро этиш муддати тугагач ҳамда чорақда камида бир марта, Банк Бош офиси таркибий бўлинмалари Бошқарув котибига кейинчалик Бошқарув Раисига етказиш учун қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисида ахборот тақдим этадилар. Зарур ҳолларда Банк Бошқарувига тегишли қарорларни назоратдан олиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар киритилади.

**48.** Бошқарув мажлисининг баённомасидан қўчирмалар қуидаги ҳолларда тақдим этилади:

Банк Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссияси раисларига уларнинг сўровига биноан мажбурий тартибда;

Банкнинг бошқа мансабдор шахслари ва аудитор (ташқи аудиторми?) сўровига биноан фақат Банк Бошқаруви Раисининг рухсати билан;

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахс ва органларга (шу жумладан давлат органларига).

## **IX.        Банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларининг жавобгарлиги**

**49.** Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари Банк олдида қонунчиликка ва Банк Уставига мувофиқ қабул қилаётган қарорлар учун жавобгардирлар.

Овоз беришда қатнашмаган ёки банкка зиён этишига олиб келган қарорга қарши овоз берган Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари жавобгарликдан озод этиладилар.

**50.** Агар Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари битимдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, у қарор қабул қилингунга қадар ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва натижада овозга қўйилганда қатнашмайди.

**51.** Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари хизмат мавқеи имкон берувчи хуқуқлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсад ва манфаатлари йўлида фойдаланишларига йўл қўйилмайди.

**52.** Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари Банк мол-мулкидан шахсий манфаат

кўриш мақсадида фаолият олиб боришиларига йўл қўйилмайди.

**53.** Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари фаолияти Банкка мижозларга хизмат кўрсатишида қийинчилик туғдирувчи, бошқа юридик шахслар таъсис этиши ва таъсис этишида иштирок этиш хуқукига эга эмаслар.

Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари лавозимга тайинланиш жараёнида шу каби корхоналардаги иштирокини тўхтатиши ва бу ҳақда Банк Кузатув Кенгашига хабар бериши лозим.

**54.** Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдида ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида Банкка етказган заарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Уставига мувофиқ, Банкка етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича жавобгардирлар.

**55.** Ҳаммаси бўлиб бир фоиздан кам бўлмаган банкнинг жойлаштирилган оддий акцияларига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Банкка етказилган зарарни қоплаш юзасидан Бошқарув аъзоси устидан даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.